

Ашъарий ва Мотуридий мазҳаблари ҳақида қадимги уламоларнинг фикрлари (бешинчи мақола)



15:00 / 21.08.2021 2190

Имом Муслиҳуддин Кисталий (ваф. 901) ўзининг «Шарҳи ақоидун-насафийя» асарига битган хошиясида айтади:

«Хуросон, Ироқ, Шом ва бошқа кўп ўлкалардаги кенг тарқаган аҳли сунна ва жамоа Ашъарийлар бўлиб, Абу Ҳасан Ашъарийнинг асҳобларидир. У киши Абу Алий Жибойига тескари чиқиб, унинг мазҳабидан суннатга, яъни Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг йўлларига ва жамоага, яъни саҳобаларнинг йўлига қайтган биринчи инсондир.

Мовороуннаҳр диёрида эса Мотуридия – Абу Мансур Мотуридийнинг асҳоблари машҳурдур. У киши Абу Мансур Ниёзийнинг шогирди, у Абу Бакр Жузжонийнинг, у Абу Сулаймон Жузонийнинг, у эса имом Абу Ҳанифанинг соҳиби Муҳаммад ибн Ҳасаннинг шогирдидир. Бу икки тоифа ўртасида айрим ақийда масалаларида ихтилоф бор. Масалан, таквин, иймондаги истисно, муқаллиднинг иймони масаласи каби. Бу икки мазҳабдаги муҳаққиқ олимлар бир-бирини бидъат-залолатга нисбат бермайди».

Имом Жалолиддин Девоний (ваф. 918) ўзининг «Ақоидул-ғазуддийя»га ёзган шарҳида нажот топувчи фирқа борасида шундай дейди:

«Улар Ашъарийлар, яъни усулид-динда (ақийдада) Абу Ҳасан Ашъарийга эргашганлардир. Агар сен: «Қандай қилиб улар Ашъарийлар деб ҳукм қилаяпсиз, ҳолбуки, ҳар бир фирқа ўзини нажот топувчи фирқа деб даъво қилади-ку?» десангиз, мен шундай дейман: «Ҳадисни сўз оқими улар Набий соллалоҳу алайҳи васаллам ва асҳобларидан ривоят қилинган суратда эътиқод қилувчилар эканини уқтиради. Бу эса фақат ашъарийларга тушади. Чунки улар ўз ақийдаларида Набий соллалоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг асҳобларидан нақл қилинган саҳиҳ ҳадисларни тутадилар ва заруратсиз бу ҳадисларнинг зоҳиридан чекинмайдилар, мўътазилаларга ўхшаб ақлларига эрк бермайдилар».

Имом Тош Кубризода (ваф. 968) «Мифтахус-соъадаҳ вал-мисбаҳус-сиёдаҳ» номли асарида айтади:

«Билингки, калом, яъни ақийда илмида аҳли сунна ва жамоанинг пешвоси иккитадур. Уларнинг бири Ҳанафий, иккинчиси эса Шофеъийдур. Ҳанафийси Абу Мансур Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий, Ҳидоят имомидир. Шофеъийси эса Суннат шайхи, жамоат раиси, мутакаллимлар имоми, пайғамбарлар саййиди Набий соллалоҳу алайҳи васалламнинг суннатининг ҳимоячиси, Ислом ақийдасининг қалқони Абу Ҳасан Ашъарий Басрийдур. У киши муқаддас шарийъатни тўқиб чиқарилган ҳадислардан ҳимоя қилган, Ислом миллати ёрдамида бўлган кишидир».

Имом ибн Ҳажар Ҳайтамий (ваф. 974 ҳ) ўзининг «Аз-Заважир ўан иқтирофил-кабаир» асарида айтади: «Суннат деганда аҳли сунна ва жамоанинг икки имоми Шайх Абу Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридийлар тутган йўл назарда тутилади».

Мулла Алий Қори (ваф. 1014 ҳ.) «Мирқотул-мафотих шарҳу Мишкотил-масобиҳ» асарида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Саводи аъзамга эргашинглар, зеро, ажралса, дўзахга ажралибди» (Ибн Можа ривояти), деган ҳадисларининг шарҳида жумладан шундай дейди:

«Саводи аъзам» деганда кўпчилик жамоа деган маъно тушунилади. Бунда аксар мусулмонларнинг йўли назарда тутилган. Айтиладики, бу Исломнинг рукнлари каби эътиқоднинг асосларига тегишли, аммо фаръий, масалан, аёлни ушлаш билан таҳоратни синиш каби масалаларда ижмоъга ҳожат йўқ, балки ҳар ким ўз мазҳаби имомларига эргашиши жоиз, худди тўрт мазҳабда бўлгани каби.

Мотуридий ва Ашъарий мазҳабларининг ўртасидаги баъзи бир хилофли масалаларга келсак, улар ҳақиқатан олиб қараганда, фаръий масалаларга киради, чунки улар зонний масалалар бўлиб, яқийний далилларга асосланган эътиқодий масалалардан эмас. Баъзи муҳаққиқлар: «Икковлари ўртасидаги хилофлар лафзий, холос», дейдилар».

Мулла Алий Қорий раҳматуллоҳи алайҳ Аллоҳ таолонинг **«Нафси ҳавосини илоҳ тутганларни кўрмадингми?»** (Жосия сураси, 23-оят) деган оятидаги ҳавойи нафс иборасида, умумий олганда, эътиқодларни, Қуръону Суннатдан олинмаган фосид мункар ҳавоий гаплар назарда тутилган.

Ибн Ҳажар: «Мункар ҳавоий гаплар аҳли сунна ва жамоанинг имомлари Абу Ҳасан Ашъарий ва Абу Мансур Мотуридийлар келтирган нарсаларга хилоф бўлган фосид ақийдалардир», дейди.

Имом Абдулбоқий Мавоҳибий ал-Ҳанбалий (ваф. 1071 ҳ) «Ал-ъайн вал-асар»да шундай дейди:

«Аҳли сунна уч тоифадир: Ашъарийлар, Ҳанбалийлар, Мотуридийлар. Ҳанбалий уламоларини каломчиларнинг кўп китобларида ва Ҳанбалийларнинг барча китобларида Ашъарийга қўшилгани шунга далолат қилади».

Имом Камолиддин Баёзий (ваф. 1098) ўзининг «Ишаротул-маром мин ибаротил-имом» номли китобида шундай дейди:

«Нажот топувчи фирқа ақийдада Китобу Суннатнинг муҳкамларини маҳкам тутган кўпчилик жамоадир, чуни улар Набий соллалоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг саҳобалари йўлига тўғри келадилар, оят-ҳадисларнинг зоҳиридан фақатгина қатъий ақлий ва нақлий далилларга хилоф борлиги заруратидангина чекинадилар. Зеро, Аллоҳнинг ҳужжатлари бир-бирига зид келмайди, балки бир-бирини қувватлайди».

Ким ақл кўзи билан назар солиб, холис ҳақни истаса, мазкур васфга фақатгина Ашъарийлар, Мотуридийлар, аҳли ҳадис ва аҳли тасаввуфлар тўғри келишига тўла ишонч ҳосил қилади. Зеро, ер юзида машҳур бўлиб, кенг тарқалганлар ҳам шулардир.

(Давоми бор)

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

06.06.2020 йил